

**Комолов О.С. и.ф.н., доц.
«Молия» кафедраси мудири**

ХУДУДЛАРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ РОЛИ

Резюме: *Мақолада Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш жараёнида тижорат банкларининг фаолияти ёритилган ва тегишли тавсиялар берилган.*

Резюме: *В данной статье рассматривается деятельность коммерческих банков в процессе развития сферы предоставления услуг и сервиса в регионах Республики Узбекистан, а так же предоставлены рекомендации.*

Abstract: *This paper examines the activities of commercial banks in the process of development of the supply of services in the areas of the Republic of Uzbekistan, as well as to provide guidance.*

Таянч иборалар: *хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, тижорат банклари, инвестиция лойиҳаси, кредит ташкилотлари, кредит-кафолат фонди.*

Ключевые слова: *сфера услуг и сервиса, коммерческие банки, инвестиционные проекты, кредитные кредитование, гарантийные кредитные фонды.*

Keywords: *service and service, commercial banks, investment projects, credit loans, credit guarantee funds.*

Республикада олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал суръатлар билан ривожлантириш бўлиб ҳисобланади. Дарҳақиқат, республикада ва мазкур соҳани ривожлантиришга катта эътибор берилаётганлиги бежиз эмас албатта. Чунки республикада айнан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш вазифаси жамиятимиз учун ушбу соҳада хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш, янги иш ўринларини барпо этиш ҳамда аҳоли реал даромадларини оширишга қаратилгандир. Жумладан, бу соҳада еришилган

ютуқларни мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек, “2012-йилда хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам юқори суръатлар билан ривожланди. Аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳажми қарийб 15 фоизга ўсди, ушбу соҳанинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши еса бугунги кунда 52 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Бу жараёнда хизматларнинг юқори технологияларга асосланган ва бозор иқтисодиётига хос бўлган турлари жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Жумладан, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 24,5 фоизга, компьютер дастурлаш хизматлари 18 фоизга, технологик асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш 17 фоизга, молия-банк хизматлари 17,6 фоизга ўсди.”¹

Шундай экан, аҳоли даромадлари, турмуш даражасини оширишда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси муҳим ўрин тутди. Бу тармоқни кенгайтириш катта сармоя талаб қилмайди, сарфланган маблағни қайтариш имконияти ҳам анча кенг. Соҳа ривожини иқтисодиётни юксалтириш, ҳудудлар инфратузилмасини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга. Бунда албатта тижорат банкларини роли муҳимдир.

Айни пайтда тижорат банклари томонидан Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси маблағлари асосан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги юқори технологияли ва инновация лойиҳаларини, олис ҳудудлардаги хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини молиялаштириш учун ажратилмоқда.

Тижорат банкларининг Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси ресурслари ҳисобига кредитлар тақдим этишдан олиндиған даромадлари 2016 йилнинг 1 январига қадар юридик шахслар фойда солиғи тўловларидан озод қилинган ҳам имтиёзли ресурслар ҳажмининг сезиларли даражада оширилишини рағбатлантирмоқда.

Маълумки, ҳукуматимиз қарори билан Ўзбекистон банклари Ассоциацияси ҳузурида Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш – Т.: Ўзбекистон. 2013. – 64 б.

ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш жамғармаси ташкил этилган еди. Иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларида лойиҳа ғояларини танлов асосида саралаш ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш ҳамда республикамиз кредит ташкилотлари томонидан инвестициявий лойиҳаларнинг молиялаштирилишини ташкил этишга кўмаклашиш мазкур жамғарманинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2013 йил 17 апрел ПҚ-1957-сонли**, “2013 - 2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига асосан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, бозор ислохотларини либераллаштириш ва чуқурлаштириш, тадбиркорликка янада кўпроқ еркинлик бериш, соҳани ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш йўлида хизмат қилмоқда. Дарҳақиқат, кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида бугунги кунда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси вакилларининг илгаригиданда эркин фаолият юритаётганини, уларни кредитлаш ҳажмининг сезиларли даражада ошаётганини кузатиш мумкин. Хусусан, 2013-2016 йиллар давомида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларига умумий қиймати 406 409,7 млн. сўмлик кредитлар ажратилиши режалаштирилган. Таъкидлаш жоизки, мазкур ислохотлар натижасида маҳаллий аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини кузатиш мумкин. Қуйидаги жадвалда республикамиз тижорат банклари томонидан мазкур соҳага режалаштирилаётган кредитларини кўриш мумкин.

2013 - 2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга тижорат банклари томонидан режалаштирилган кредитлар²

млн сўм.

№ т/р	Тижорат банклари	2013 — 2016 йиллар	Йиллар бўйича
-------	------------------	--------------------	---------------

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 17 апрел ПҚ-1957-сонли қароридан олинган.

			2013	2014	2015	2016
Республика бўйича жами		406 409,7	75 709,9	90 852,0	109 021,1	130 826,7
<i>Шу жумладан:</i>						
1.	«Халк банку» ДТБ	91 395,5	17 026,0	20 431,2	24 517,4	29 420,9
2.	«Микрокредитбанку» ОАТБ	67 433,3	12 562,1	15 074,5	18 089,4	21 707,3
3.	«Миллий банку» ТИФ	40 980,6	7 634,2	9 161,1	10 993,3	13 192,0
4.	«Асака» ДАТБ	29 327,7	5 463,4	6 556,1	7 867,4	9 440,8
5.	«Агробанку» ОАТБ	54 432,7	10 140,3	12 168,6	14 601,3	17 522,5
6.	«Узпромстройбанку» ОАТБ	20 407,8	3 801,8	4 562,1	5 474,5	6 569,4
7.	«Ипотека-банку» АТИБ	25 646,3	4 777,7	5 733,2	6 879,6	8 255,8
8.	«Кишлоқ қурилиш банку» ОАТБ	40 962,3	7 630,8	9 157,0	10 988,4	13 186,1
9.	Бошқа тижорат банклари	35 823,5	6 673,6	8 008,2	9 609,8	11 531,9

Дарҳақиқат, кўрилатган чора-тадбирлар натижасида бугунги кунда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси вакилларининг илгаригиданда эркин фаолият юритаётганини, уларни кредитлаш ҳажмининг янада ошаётганидан кузатиш мумкин.

Қуйидаги келтириладиган жадвалда ҳудудлар бўйича тақсимооти акс эттирилган.

2013 - 2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига режалаштирилган кредитларни ҳудудлар бўйича тақсимооти³

млн сўм.

№ т/р	Худудлар	2013 — 2016 йиллар	Йиллар бўйича			
			2013	2014	2015	2016
Республика бўйича жами		406 409,7	75 709,9	90 852,0	109 021,1	130 826,7
Шу жумладан:						
1.	Қорақолпоғистон Республикаси	24 052,5	4 480,7	5 376,9	6 452,2	7 742,7
2.	Андижон вилояти	36 036,4	6 713,2	8 055,8	9 667,0	11 600,4

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 17 апрел ПҚ-1957-сонли қароридан олинган.

3.	Бухоро вилояти	29 861,1	5 562,8	6 675,4	8 010,4	9 612,5
4.	Жиззах вилояти	17 454,2	3 251,5	3 901,8	4 682,2	5 618,7
5.	Қашқадарё вилояти	44 411,1	8 273,3	9 928,0	11 913,5	14 296,3
6.	Навоий вилояти	12 745,3	2 374,3	2 849,2	3 419,0	4 102,8
7.	Наманган вилояти	24 531,0	4 570,0	5 484,0	6 580,0	7 897,0
8.	Самарканд вилояти	57 099,9	10 637,1	12 764,5	15 317,4	18 380,9
9.	Сурхондарё вилояти	39 786,6	7411,8	8 894,2	10 673,0	12 807,6
10.	Сирдарё вилояти	12 237,7	2 279,8	2 735,7	3 282,8	3 939,4
11.	Ташкент вилояти	38 094,9	7 096,7	8 516,0	10 219,2	12 263,0
12.	Фарғона вилояти	39 532,9	7 364,6	8 837,5	10 604,9	12 725,9
13.	Хоразм вилояти	30 566,1	5 694,1	6 833,0	8 199,5	9 839,5

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ҳудудларда янада ривожлантириш учун келгусида қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим:

1. Республикамизда рақобатчилик муҳитини янада ривожлантириш;
2. Бозордаги ўз ҳукмрон мавқеини суистеъмол қилаётган хўжалик субъектлари монополиясига барҳам бериш ва табиий монополия бўлмаган тармоқларда баҳоларни декларациялашдан аста-секин воз кечиш, товар-хом ашё биржаларида маҳсулот сотиш ҳажмларини, барча субъектларни аукционларга, замонавий молиявий хизматлар бозорларига чиқиш имкониятларини янада кенгайтириш, савдоларнинг ойдинлигини таъминлаш;
3. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига оид фирмалар учун, турар жой биноларини нотурар жой биноларига ўтказиш жараёнини соддалаштириш бўйича таклиф ишлаб чиқиш, экологик экспертиза хулосасини олиш бўйича белгиланган ставкаларни, архитектура-режалаш топшириғини (АРТ) ишлаб чиқишга кетадиган ҳаражатларни камайтириш, фирма номини олиш жараёнини соддалаштириш;
4. Республика минтақаларида фаолият юритмаётган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар фаолиятини жонлантириш, уларни кичик бизнес

билан кооперациясини йўлга қўйиш эвазига ушбу субъектлар тармоғини янада ривожлантириш;

5. Кичик бизнес субъектлари рақобатбардошлигини ошириш мақсадида уларнинг инновацион лойиҳаларига ёрдам берувчи махсус кредит-кафолат фондини ташкил қилиш, субъектларнинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш ва улар учун саноат ҳудудларини яратиш, жойларда хизматлар ва сервис соҳасини янада ривожлантириш мақсадида кичик бизнес субъектларини минитехнология ва ихчам ускуналар билан таъминлаш;

6. Хорижий инвесторларни тўлақонли равишда ахборот (инвестиция лойиҳалари ва бизнес таклифлар базаси, ҳудудий матбуот нашрлари, иқтисодий таҳлил, хом ашё ва меҳнат салоҳияти тўғрисида маълумотлар) билан таъминлаш учун ҳар бир минтақа бўйича «Вилоят инвестиция салоҳияти» ВЭБ-порталини ташкил этиш, шунингдек, ушбу фаолиятга оид конференция, семинар ва тақдимотлар (республикамизда ва хорижий мамлакатларда) ўтказиш;

7. 2015 йилгача бўлган даврда республика аҳолисининг турмуш фаровонлигини ошириш стратегиясидан келиб чиққан ҳолда, кичик бизнеснинг хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги, ЯИМ даги улушини янги ташкил этиладиган инфратузилмалар ҳисобига, мавжуд фаолият кўрсатаётган шахобчалар қувватларидан, кредит маблағларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, чет эл инвестицияларини жалб этиш, техник ва технологик модернизация қилиш.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, бундан кейин ҳам хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш банк муассасалари фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб қолаверади. Зеро, банк тизими олдида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига ажратилаётган кредитлар ҳажмини 2013-2016 йиллар давомида хиссасини кўпайтириш вазифаси қўйилган экан, мазкур — Обод турмуш йилида оилавий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш лозим шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш ва либераллаштиришга янада туртки бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013 - 2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2013 йилдаги 17 апрел ПҚ-1957-сонли қарори.
2. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш – Т.: Ўзбекистон. 2013. – 64 б.
3. Ходиев Б.Ю, Косимова М.С., Самадов А.Н Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. –Т.: ТДИУ, 2010.
4. Косимова М.С. , Юсупов М.А., Эргашхаджаева Ш.Ж. Маркетинг. Т.: ТДИУ, 2010.
5. Самадов А.Н., Останақулова Г.Н. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Т.: Молия-иқтисод, 2008.
6. Қосимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, 2005.
7. Анискин Ю.П. Организация и управление малым бизнесом: Учеб. пособ. – М.: Финансы и статистика, 2008.